

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ГАНИЕВ УЛУҒБЕК ШУХРАТОВИЧ

**ЎТКИР ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН
ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМЛИ БЕМОРЛАРНИ САМАРАЛИ
ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ АНИҚЛАШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Ганиев Улуғбек Шухратович

Ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган
ўткир коронар синдромли беморларни самарали
даволаш тактикасини аниқлаш..... 3

Ганиев Улуғбек Шухратович

Определение оптимальной тактики лечения больных
острым коронарным синдромом,осложнившимся острой
сердечной недостаточностью..... 27

Ganiev Ulugbek Shukhratovich

Determine of optimal treatment the patients with acute
coronary syndrome, complicated with acute heart failure..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ГАНИЕВ УЛУҒБЕК ШУХРАТОВИЧ

**ЎТКИР ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН
ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМЛИ БЕМОРЛАРНИ САМАРАЛИ
ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ АНИҚЛАШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tib30 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Кенжаев Мажид Латипович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Тулабаева Гавхар Миракбаровна тиббиёт фанлари доктори, профессор Шарипова Висолатхон Хамзаевна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий –амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115 Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: uzmedicine@mail.ru).

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Хаджибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Э.Анваров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

Б.К.Алтиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юрак ишемик касаллиги (ЮИК), ўткир миокард инфаркти (ЎМИ)ни ташхислаш ва даволашдаги сезиларли муваффақиятларга қарамасдан, касалланиш ва ўлим даражаси етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Сўнгги ўн йилликда «...ўткир коронар синдромли беморларда ўлим ҳолатини 90% пасайишига қарамасдан, ўткир юрак етишмовчилиги (ЎЮЕ) билан асоратланган ўткир коронар синдром (ЎКС) беморларни, ўткир юрак етишмовчилигисиз ўткир коронар синдром беморларга нисбатан солиштирганда, касалхонадаги ўлим ҳолати ушбу беморларда бир неча марта ортишига олиб келади...»¹. ЎКС-ЎЮЕ беморларини клиник тавсифи, даволаш усуллари ва уларни касалхонада бўлиш давомийлиги, ЎКС-ЎЮЕни даволаш реестри контекстида яхши баён этилган бўлса ҳам, бирламчи ноинвазив ва инвазив тактика контекстида ушбу беморларни даволаш натижаси тўғрисида етарли даражада илмий манбалар мавжуд эмас. Шу сабабли ўткир коронар синдромли ўткир юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда хавфни юқори даражада бўлишига қарамасдан, бу беморлар ЎЮЕсиз ЎКС беморлари билан солиштириш бўйича етарли даражада ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш замонавий шошилишч клиник кардиологиянинг мураккаб ва долзарб муоммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни самарали даволаш тактикасини баҳолаш аҳамиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли/ўткир миокард инфарктининг клиник кечишини ўзига хослиги, касалликни асоратли кечишини асосий предикторлари, ўткир юрак етишмовчилиги ривожланганда NSTEMI (non ST elevation myocardial infarction) ва STEMI (ST elevation myocardial infarction)ни аҳамияти, беморларда интервенцион аралашувларини қўлламасдан дори воситалари билан даволаш, ўткир юрак етишмовчилигида беморларда қутқарувчи ва/ёки бирламчи тери ости аралашуви самарасиз тромболитик терапия (ТЛТ)дан сўнг, миокарднинг жарроҳлик ревазуляризациясини аҳамияти ҳамда беморларда нохуш яқунни юзага келишини энг аҳамиятли предикторларини баҳолаш орқали оғир тоифали беморларида мажмуавий даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тавсияларни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, хируругик касалликларини камайтиришга қаратилган вазифалар белгиланган. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам

¹ Al Faleh H, Elasarfar A A, Ullah A, et. al. Acute heart failure with and without acute coronary syndrome: clinical correlates and prognostic impact (From the HEARTS registry). BMC Cardiovasc Disord. – 2016.- Vol ;16:98. Published 2016 May 20. doi:10.1186/s12872-016-0267-6

тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш... »² каби вазифалар қўйилган. Ушбу вазифалар ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни самарали даволаш тактикасини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 мартадаги ПҚ–2838-сон «Тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини ташкил этиш ава келгусида моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши–нинг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиёт маълумотларининг таҳлили кўрсатдики, ўткир коронар синдроми билан асоратланган ўткир юрак етишмовчилигининг олдинги тадқиқотлари STEMIли ҳолатларда ўтказилди. Мазкур контекстда Киллип (Killip) таснифи кенг ўрганилди ва кекса ёш, диабет, ўтказилган миокард инфаркти ва юрак етишмаслиги киритилган ҳолда юқори хавфли якуний тасниф билан боғлиқдир (Моисеев В.С. 2018; Терещенко С.Н. 2018; Bennett J. 2018; Voersma E. 2010;). ЎКСни баҳоловчи башоратлаш тўғрисида фақат иккита тадқиқотлар нашр этилган. Mehta et. al, OASIS-2 тадқиқотларида (2016) (ишемик синдромни даволаш стратегиясини баҳолаш бўйича ташкилот) ЎКСдан кейин юрак етишмаслиги ривожланган беморларда частота, предикторлар ва клиник яқунлар ўрганилди. Юрак етишмаслик касаллигини кумулятив кўрсаткичлари 24 соатдан кейин 2,7%, 7 кундан кейин 4,9% ва 6 ойдан сўнг 6,3%ни ташкил этади, бу GRACE регистрга нисбатан сезиларли даражада паст, бунда юрак етишмовчилиги бўлган беморлар юрак етишмовчилигисиз бўлган беморларга нисбатан OASIS-2 тадқиқотларида миокард инфарктига ёки ўлимнинг янада сезиларли хавфига эга бўлдилар (Аронов Д.М., 2016; Арутюнов Г. П., 2018; Бокарев И.Н., 2019 Antman E.M. et al. 2019;). Мазкур тадқиқотларда ЎКСли беморлар бизнинг тадқиқотларимиздаги ЎКСли беморлар ЎКСли STEMIли беморлар билан юқори хавфнинг умумий тавсифига эга бўлади (яъни улар катта ёшли, кўпроқ аёллар оғриган, асосан

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

диабетдан, ҳафақон касаллигидан азият чеккан ва охир оқибат ЎМИ га олиб келган). GRACE регистри ҳисоботида ЎЮЕ/ЎКС шароитида юрак етишмаслиги билан боғлиқ бўлган омиллар ва уларни натижалари билан ўзаро алоқаси баҳоланди (Nikus K. 2018; Omland T. 2018; Ramasamy I. 2019; Roffi M. 2020;). Таъкидлаш жоизки, беморлар популяцияси шунингдек, STEMI беморларни қамраб олди. Муаллифларнинг хабар беришича, юрак етишмовчилигининг умумий сони 13%ни ташкил этди ва STEMI беморларда (15,6%) ва NSTEMI беморларда (14,7%) бир хилда, аммо нотурғун стенокардияли беморларда (8,2%) икки марта кам бўлди (Бойцов С.А. 2018; Куликов А.Н. 2018; Searle J. 2018; Silva Marques J.2019;).

GRACE тадқиқотларида юрак етишмовчилиги бўлган беморлар юрак етишмовчилигисиз беморларга нисбатан ёш жиҳатдан катта бўлди, улар орасида аёл жинсидаги беморлар кўпчиликини ташкил этди ва улар кам чекадилар. Юрак етишмовчилигисиз беморларга нисбатан юрак етишмовчилиги бўлган беморларда қандли диабет (ҚД) ва артериал гипертензия (АГ) ўтказилган миокард инфаркти ёки транзитор ишемик атаклар (ТИА) инсулт ва юзага келувчи юрак етишмовчилигининг мавжудлиги кўпроқ учрайди (Орлов Ф.В. 2020; Чичкова М.А. 2020; Aurauma C. 2018; Naruchorn K. 2018; Nijasri C. 2018;).

Ҳозирги кунда мамлакатимизда соҳа олимлари томонидан юракнинг турли касалликларни самарали тапхислаш ва даволаш борасида қатор илмий тадқиқот олиб борилмоқда (Р.Д.Қурбонов, 2020; Н.М.Нуруллаева, 2018; 2020; А.Г.Гадаев, 2020), бироқ, ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни самарали даволаш тактикасини аниқлаш аҳамиятини такомиллаштирилмаган.

Шу билан бир вақтда шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтга қадар фақат дори воситалари билан даволаш ва ноинвазив реваскуляризация усулларининг самараси пастлиги ишончли омили бўлиб ҳисобланади. Тадқиқот иши жараёнида олинган маълумотлар шундай хулоса қилишга имкон берадики, ўткир коронар синдромни даволашга ёндошувни яхшиланишига қарамасдан ўткир коронар синдром билан асоратланган ўткир юрак етишмаслиги нохуш яқун билан бирга кузатилади. Шифохонага ётқишида ўткир юрак етишмаслиги айниқса юқори хавфдаги беморларнинг кичик гуруҳини идентификациялайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг илмий-амалий ишлари режасига мувофиқ ПЗ- 2014-09092145 «Кардиопульмонал ва церебрал патологияли юракнинг ишемик ва ноишемик шикастланишли беморларнинг олиб бориш комплексини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2014-2017 йй) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хавф стратификация шкаласини башоратлаш аҳамиятини баҳолаш ва нохуш яқуннинг алоҳида предикторларини ҳисобга олиш билан ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратлаган ўткир коронар синдромли беморларни даволаш тактикасини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли клиник кечишини ўзига хосликларини, касалликни асоратли кечишини асосий предикторларини баҳолаш;

ўткир коронар синдромли беморларда ўткир юрак етишмовчилиги ривожланганда ST кўтарилиши билан ўКС ва ST кўтарилишисиз ўКСни аҳамиятини баҳолаш;

ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларда интервенцион аралашувларини қўлламасдан дори воситалари билан даволаш натижаларини баҳолаш;

ўткир юрак етишмовчилиги синдромли беморларда қутқарувчи ва/ёки бирламчи ТОА (самарасиз ТЛТдан сўнг) шунингдек миокарднинг жарроҳлик ревазуляризациясини аҳамиятини баҳолаш;

ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларда нохуш яқунни юзага келишини энг аҳамиятли предикторларини аниқлаш, бунинг асосида эса ушбу оғир тоифа беморларида мажмуавий даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тавсияларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016 йилдан 2018 йилгача бўлган муддатида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида стационар даволанишда бўлган ST сегментини кўтарилиши ва кўтарилишисиз бўлган ўткир коронар синдромли 450 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни самарали даволаш тактикасини баҳолаш аҳамиятини такомиллаштиришда электрокардиография, эхокардиография ёрдамида юрак хажмининг қисқариш, кучи, клапанларининг ҳолати, коронароагнография тож томирларнинг сиқилиш, торайиши, ёпилиш ҳамда қондаги креатинфосфаткиназа МВ фракцияси материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни самарали даволаш тактикасини такомиллаштиришда клиник, инструментал, эхокардиографик, юрак томирларини ангиографияси ва биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ST кўтарлиши билан ўткир коронар синдром ва ST кўтарилишисиз ўткир коронар синдромли беморлар гуруҳида нохуш яқунларни алоҳида башоратловчи аҳамиятли предикторлари аниқланган;

GRACE баҳоловчи шкаласи ва замонавий стратификацион усулларини қўллаш натижасида биринчи марта кўрсатилган беморлар гуруҳида мазкур шкалани башоратловчи қиймати асосланган;

логистик регрессион таҳлил йўли билан ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдром беморларини ноинвазив даволаш самарадорлиги асосланган;

ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларнинг ёшини 65 дан юқорилиги, чиқариш фракциясининг пастлиги,

Killip-3 бўйича ўткир юрак етишмовчилиги, GRACE шкаласи бўйича юқори хавф миокард реваскуляризацияси интервенцион усуллари янада фаол ва эрта қўллашни талаб этиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўткир коронар синдромли беморлар келиб тушганида барча беморларга ЧФни, миокард некрозининг маркерлари КФК ва тропонин ва ЭКГни усулда аниқлашда физикал текширувлар ва анамнестик маълумотлар билан биргаликда GRACE шкаласи бўйича беморларни стратификациялаш тавсия этилган;

ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратлаган ўткир коронар синдромли беморларни даволаш башорати учун GRACE шкаласига қўшимча равишда, уларни кузатишлар динамикасида чап қоринчанинг чиқарув фракцияси амалга ошириш тавсия этилган;

беморларни, айниқса ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни даволашда ЎЮЕ Killip 3 билан асоратланган ST кўтарилиши билан ЎКС тоифа беморларини киритган холда реваскуляризациянинг бирламчи инвазив тактикасини қўллашни ошириш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал, тиббий-биологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, катта ёш тоифасидаги ўткир коронар синдроми бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорта-коронар шунтлаш амалиётини имкониятларидан фойдаланишда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти ST кўтарилишисиз билан ЎКС/ST кўтарилиши билан ЎКСли беморлар гуруҳида нохуш яқуннинг алоҳида предикторларини аниқланишини клиник аҳамияти намойиш этилиши, беморларнинг алоҳида гуруҳида нохуш яқунларни юзага келиши алоҳида хавф омиллари хавфи стратификациясини қўлланилиши беморларни даволаш стратегиясини тезда белгилаш, шу билан асоратларни ривожланиш хавфини сезиларли камайтириш, бунда кам хавфли беморларда қимматбаҳо даволашни қўллашга бўлган молиявий харажатлар сезиларли камайиши, дори воситалари билан алоҳидалашган даволаш ва реваскуляризациянинг ноинвазив усуллари самарадорлигини етишмаслигини намойиш этишини назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти логистик регрессион таҳлил қилиш йўли билан ST кўтарилишисиз билан ЎКС ва ST кўтарилиши билан ЎКСли беморлар гуруҳида даволашни инвазив тактикасини афзалликлари, инвазив даволаш тактикасини айниқса ЎКС ва ST кўтарилиши билан ЎКСли ва юрак етишмовчилиги юқори синфи билан хасталанган беморларида янада фаол қўлланилиши, турғун бўлмаган стенокардия ёки миокард инфаркти сабабли

касалхонага такрорий тушиш сони ва ўлим даражасини камайишига имкон яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни самарали даволаш тактикасини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни самарали даволаш тактикасини баҳолаш асосида ишлаб чиқилган «Ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларда ножўя асоратларни ривожлантирадиган тахлика омилларни баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 апрелдаги 8н-д/132-сон маълумотномаси). Натижада логистик регрессион таҳлил асосида ST кўтарилишисиз билан ЎКС/ST кўтарилиши билан ЎКСли беморлар гуруҳида даволашни инвазив тактикасини афзаллиги, беморларнинг касалхонага такрорий тушиш сони ва ўлим даражасини камайиши, касалликни даволаш тактикасини танлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни самарали даволаш тактикасини имкониятларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро ва Жиззах вилоятларининг филиаллари шошилиш хирургия бўлимлари амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 08-09/8325-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ўткир коронар синдромли беморларини даволаш дастурини танлаб олиш ва текшириш баённомасини оптималлаштириш, ўткир коронар синдромли беморлари учун таклиф этилган даволаш усуллари, шунингдек, бирламчи инвазив даволаш тактикаси, касалликни турли шаклларида олинган маълумотлар ST кўтарилиши билан ЎКСли беморлари учун ўрин-кун сонини 7,7 кундан дан 6,85 кунчага, ўлим кўрсаткичини 6,5% дан 5,8% гача камайтирди ва NSTEMI беморлари учун ўрин-кун сонини 8,1 кундан 7,85 кунгача ва ўлим кўрсаткичини 6 фоиздан 4,8 фоизгача камайтирди, ST кўтарилиши билан ЎКСли беморлар гуруҳидаги 25,3% ҳолатларда тромболитик терапия ТЛТни самарасизлиги кўринишида шошилиш қутқарувчи тери орқали аралашув талаб этиш ва беморларни касалхонада бўлиш давомийлигини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўткир юрак етишмаслиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни юритишни замонавий талқини**» деб номланган биринчи боби тўртта кичик боблардан ташкил топган бўлиб уларда ЎКСнинг турли шакллари муаммоларини замонавий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Мазкур патология аҳоли ўртасидаги ўлимнинг етакчи омилларидан бири бўлиб ҳисобланади ва яъни бошиданок ЎКСга эга бўлган беморларда гарчи ЎКС/ЎЮЕнинг натижалари, клиник тавсифи ва даволаш усуллари ЎКСни даволаш реестрлари контекстида яхши баён этилган бўлсада, бирламчи ноинвазив ва инвазив тактика контекстида ушбу беморларни даволаш натижалари тўғрисида жуда кам маълумотлар маълумдир. Касалхонага келиб тушганида ЎКСли беморларда мавжуд бўлган қатор якуний омилларни башоратлаш аҳамияти ва нохуш яқунларининг ҳавф омиллари етарли даражада кенг ёритилган, бу мазкур тоифа беморларини даволашни оптимал тактикасини аниқлаш заруриятини белгилаб беради.

Диссертациянинг «**Ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни юритиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллари келтирилган. Тадқиқот 2016-2018 йилларда РШТЁИМнинг кардиореанимация бўлимига ётқизилган ЎМИ жараёнига трансформацияланиш фонидаги ЎЮЕ билан асоратланган ЎКСли 450 нафар беморларни ташхислаш ва даволаш натижаларини таҳлиliga асосланган. ЎЮЕни ҳар хил типига 2 гуруҳ беморлари киритилди: юракни учинчи тони (S3) билан, ўпкаларда хириллашлар ва ошган бўйинтуруқ веноз босимини мавжудлигини тавсифловчи Киллип бўйича 2- синф ЎЮЕ; ўпкаларнинг бутун юзаси бўйлаб нам хириллашларнинг мавжудлиги билан ўпкаларнинг ўткир шиши (ЎЎШ) билан тавсифланувчи Киллип бўйича 3- синф ЎЮЕ.

Эркаклар 336 (74,7%) нафар, аёллар 114 (25,3%) нафар бўлди, текширилганларнинг ўртача ёши $62,3 \pm 2,75$ йилни ташкил этди, ўртача тана вазни $82,2 \pm 15,1$ кг, ўрта бўй баландлиги $170,4 \pm 10,8$ см, тана вазни индекси (ТВИ) $28,5 \pm 1,3$ ни ташкил этди.

Ўткир юрак етишмовчилиги (ЎЮЕ) кўринишидаги асоратлар даражасидан келиб чиққан ҳолда Killip бўйича ҳар бир гуруҳ беморлари 2 кичик гуруҳларга ажратилдилар. ЎЮЕ даражаси Killip таснифига кўра, 2012 йилдаги ESC/ACCF тавсияларига биноан аниқланган. Гуруҳлардаги асосий кўрсаткичлар қуйидагича тақсимланган. ST сегмент кўтарилишсиз ЎКС гуруҳида Killip 2 кичик гуруҳига 188 нафар (76,7%) беморлар, Killip 3 кичик гуруҳига – 57 нафар (23,3%) беморлар киритилди. Кичик гуруҳлардаги беморлар жинси, ёши ва ТВИ бўйича мос бўлган. Killip 2 кичик гуруҳида эркаклар 139 нафар (73,9%), аёллар эса – 49 нафар (26,1%) бўлди; уларнинг ўртача ёши 59 ± 12 ёшни ташкил қилди; ўртача ТВИ - $28,1 \pm 6,1$ кг/м². Killip 3 кичик гуруҳида эркаклар ва аёллар сони, ўртача ёш кўрсаткичи ва ТМИ мувофиқ ҳолда 42 нафар (73,7%); 15 нафар (26,3%); 61 ± 11 ёш ва $29,2 \pm 5,1$ кг/м² ташкил қилди. Хавф омиллари ҳам ўзаро мос бўлган. Killip 2 кичик гуруҳидан 87 нафар (46,3%) бемор, Killip 3 кичик гуруҳидан 27 нафар (47,%) бемор чеккан. Юрак-қон томир касалликлари бўйича мураккаб ирсийлик мувофиқ ҳолда 82 нафар (43,6%) ва 31 (54,4%) нафар беморда мавжуд бўлган. Дислипидемия, 2-типдаги типдаги ҚД, артериал гипертензия 3-даражаси мувофиқ ҳолда Killip 2 кичик гуруҳининг 51 нафар (27,1%); 108 нафар (57,4%) ва 92 нафар (48,9%) беморида ва Killip 3 кичик гуруҳининг 21 нафар (36,8%); 36 нафар (63,2%) ва 33 нафар (57,9%) беморида кузатилди. Беморларнинг шифохонага келишлари вақти ўртача ST сегмент кўтарилишсиз ЎКС гуруҳидаги беморлар учун $7,3 \pm 2,7$ соатни, ST сегмент кўтарилиши билан ЎКС гуруҳидаги беморлар учун $6,1 \pm 2,1$ соатни ташкил қилди ($p < 0,05$).

ST сегмент кўтарилишсиз ЎКС гуруҳидаги ва ST сегмент кўтарилиши билан ЎКС гуруҳидаги клиник кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда кузатилаётган беморларнинг тақсимланиши 1- ва 2-жадвалларда келтирилган.

ST сегмент кўтарилишли ЎКС гуруҳ беморлари ҳам ЎЮЕ кўринишидаги асоратнинг мавжудлигига кўра икки кичик гуруҳга ажратилдилар: Killip 2 кичик гуруҳига 144 нафар (68,8%) бемор, Killip 3 кичик гуруҳига – 61 нафар (31,2%) бемор киритилди. ST сегмент кўтарилишли ЎКС гуруҳига киритилган беморларнинг бирламчи тавсифлари 2-жадвалда келтирилган. ST сегмент кўтарилишли ЎКС гуруҳи беморлари кичик гуруҳларда жинси, ёши ва ТМИ бўйича мос келганлар. Шундай қилиб, Killip 2 кичик гуруҳида эркаклар 104 нафар (72,2%); аёллар – 40 нафар (27,8%) бўлган; беморларнинг ўртача ёши $64,2 \pm 12$ ёш; ўртача ТМИ $28,5 \pm 6$ кг/м² бўлган. Killip 3 кичик гуруҳида эркаклар ва аёллар сони, ўртача ёш кўрсаткичи ва ТМИ мувофиқ ҳолда 47 нафар (77%); 14 нафар (23,0%); 65 ± 11 ёш ва $29,6 \pm 5$ кг/м² бўлган.

Хавф омиллари ҳам ўзаро мос бўлган. Шундай қилиб, Killip 2 кичик гуруҳидаги 79 нафар (52,7%) бемор ва Killip 3 кичик гуруҳидаги 31 нафар (50,8%) бемор чеккан. Юрак-қон томир касалликлари бўйича мураккаб ирсийлик мувофиқ ҳолда 76 нафар (52,7%) ва 39 нафар (63,9%) беморда кузатилди. Дислипидемия, 2-типдаги ҚД, 3-даражали АГ 63 нафар (43,7%);

92 нафар (63,8%) ва 98 нафар (68,0%) Killip 2 кичик гуруҳидаги беморда ва 38 нафар (62,2%); 51 нафар (83,6%); ва 47 нафар (77,0%) Killip 3 кичик гуруҳидаги беморда мавжуд бўлган. Салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган чекиш, юрак-қон томир касалликлари бўйича салбий ирсийлик ва ёш каби хатар омиллари ва клиник симптомларни таҳлил қилишдан ташқари, юрак ишемик касаллиги анамнези, жумладан миокард инфаркти, миокард инфаркти ҳолатида шифохонага келган вақтдаги инфарктдан кейинги стенокардиялар, қайта мурожаат этиш, кеч мурожаат этишлар (хуруждан кейин 12 соат ўтгач) ҳам ҳисобга олинган.

1-жадвал

ST сегмент кўтарилишсиз ўКС гуруҳ беморларининг хавф омиллари бўйича тавсифи

Беморлар тавсифи	Killip 2n=188	Killip 3 n= 57	p
Ёши	59,2±12,3	61,5±11,1	>0,05
Эркаклар	139 (73,9%)	42 (73,7%)	>0,05
Аёллар	49 (26,1%)	15 (26,3%)	>0,05
Кўкрак суяги орқасидаги оғриқлар	176 (93,6%)	52 (91,2%)	>0,05
Ирсийлик	82 (43,6%)	31 (54,4%)	<0,05
Анамнезда ЮИК	121 (64,4%)	39 (68,4%)	>0,05
Қайта мурожаат қилиш	42 (22,3%)	23 (40,4%)	<0,05
ҚД	108 (57,4%)	36 (63,2%)	<0,05
3-даражали АГ.	92 (48,9%)	33 (57,9%)	<0,05
Чекиш	87 (46,3%)	27 (47,4%)	>0,05
Дислипидемия	51 (27,1%)	21 (36,8%)	<0,05
ТМИ	28,1±6,1	29,2±5,1	>0,05

Шундай қилиб, ST сегмент кўтарилишсиз ўКС гуруҳининг ҳамма беморлари (NSTEMI/Q тишчасиз МЎИ) антиагрегант терапия (аспирин) қабул қилишган, бунда 67% Killip 2 кичик гуруҳ беморларида қарши кўрсатмалар ва 64% Killip 3 кичик гуруҳ беморларида қарши кўрсатмалар йўқлиги ҳолатида икки компонентли (таркибли)антиагрегант, клопидогрельни ўз ичига олган даволаш қўлланилди. ЎЮЕ бўйича кичик гуруҳларга бўлишнинг асосий мезони бўлиб 2012 йилдаги ESC/ACCF тавсияларига кўра Томас Киллип ва Жон Кимбаллар таклиф қилган мезонлар хизмат қилди. ST сегмент кўтарилишли ўКС гуруҳининг ҳамма беморлари, хусусан ТЛТ кўрсаткичларига кўра консерватив медикаментоз даволанишда бўлганлар.ST сегмент кўтарилишли ўКС гуруҳининг жами 205 нафар (100%) беморлари антиагрегант терапия (аспирин) қабул қилганлар, Killip 2 кичик гуруҳининг 104 нафар (72%) беморига ва Killip 3 кичик гуруҳининг 46 нафар (75%) беморига ўз таркибига клопидогрельни олган иккиланган антиагрегант

терапия тайинланди. Тўғридан тўғри антикоагулянтлар билан даволашда Killip 2 кичик гуруҳининг 141 нафар (98%) бемори ва Killip 3 кичик гуруҳининг 59 нафар (97%) бемори қабул қилган. Қолган 3 ва 2 нафар беморлар мувофиқ ҳолда фракционланган гепарин (клексан) қабул қилганлар. АПФ ингибиторларини тайинлашга зарурат Killip 2 кичик гуруҳининг 111 нафар (77%) беморида ва Killip 3 кичик гуруҳининг 44 нафар (72%) беморида мавжуд бўлган. β -адреноблокаторларни мувофиқ ҳолда 75 нафар (52%) бемор ва 19 нафар (31%) бемор қабул қилган. Killip 2 кичик гуруҳининг 75 нафар (52%) бемори Killip 3 кичик гуруҳининг 61 нафар (100%) беморига диуретик даволаш тайинланди. Стрептокиназали ТЛТ даволанишини Killip 2 кичик гуруҳининг 122 нафар (84,7%) беморива Killip 3 кичик гуруҳининг 51 нафар (83,6%) бемори қабул қилди.

2-жадвал

ST сегмент кўтарилишли ўқс гуруҳ беморларининг хавф омиллари бўйича тавсифи

Беморлар тавсифи	Killip 2 n=144	Killip 3 n=61	p
Ёши	64,5±13	65,2±12	<0,05
Эркаklar	104 (72,2%)	47 (77,0%)	>0,05
Аёллар	40 (27,8%)	14 (23,0%)	>0,05
Ирсийлик	76 (52,7%)	39 (63,9%)	>0,05
Анамнезда ЮИК	114 (79,1%)	55 (90,1%)	<0,05
Қайта мурожаат қилиш	40 (27,8%)	22 (36,0%)	<0,05
ҚД	92 (63,8%)	51 (83,6%)	<0,05
3-даражали АГ	98 (68,0%)	47 (77,0%)	<0,05
Чекиш	79 (54,8%)	31 (50,8%)	<0,05
Дислипидемия	63 (43,7%)	38 (62,2%)	>0,05
ТМИ	28,5±6	29,6±5	<0,05

Диссертациянинг учинчи боби «Ўткир юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни, хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда самарали даволаш тактикасини аниқлаш», деб номланиб, медикаментоз терапиянинг самарадорлиги ҳақида қайталанувчи стенокардия,ангинал хуружнинг тўхтатилиши, аритмия ва ўЮЕ даражасининг оғирлашишини ўз ичига олган асоратларнинг мавжудлигига қараб баҳоланган. ST сегмент кўтарилишисиз ўқс гуруҳида фақатгина дори воситалари билан даволаш самарадорлиги юқори бўлмади: Killip 2 кичик гуруҳининг 94 нафар (50%) беморида ва Killip 3 кичик гуруҳининг 31 нафар (54,4%) беморида ангинал хуружнинг қайталанишҳолати қайд этилди (3.3-жадвалга қаранг). Killip 2 кичик гуруҳининг 9 нафар (4,8%) беморида ва 10 нафар (17,5%) Killip 3 кичик гуруҳи беморида инфаркт-қарам артерияни

шошилиш стентлаш ўтказилди. Мувофиқ ҳолда 85 нафар (45,2%) Killip 2 кичик гуруҳи беморида ва 21 нафар (36,8%) Killip 3 кичик гуруҳи беморида режа асосидаги ТОКА (тери орқали коронар аралашув) шифохонага келиб тушгандан кейин 72 соатгача бўлган муддатда бажарилди (3-жадвал).

3-жадвал

ST сегмент кўтарилишисиз ўКС гуруҳ беморларини даволаш натижалари (NSTEMI/Q тишчасисиз ўМИ), n=245

Результат лечения	Killip 2, n=188		Killip 3, n=57		p
	Бс.	%	абс.	%	
Медикаментоз даволаш	188	100,0	57	100,0	>0,05
- шифохонага келиб тушганда самарали	94	50,0	26	45,6	>0,05
- шифохонага келиб тушганда самарасиз	94	50,0	31	54,4	>0,05
КАГ	94	50,0	31	54,3	<0,05
- шошилиш ТОКА	9	4,8	10	17,5	<0,05
- кечиктирилган ТОКА	85	45,2	21	36,8	<0,05
Шифохонада даволаниш муддати, кунлар, M±SD	6,1±1,4		7,1±1,6		>0,05
Ўлим ҳолати	8 (4,2%)		4 (7,0%)		

Беморларни клиникада бўлиш давомийлиги Killip 2 кичик гуруҳида 6,1±1,4 кунни, Killip 3 кичик гуруҳида – 7,1±1,6 кунни ($p>0,05$) ташкил қилди. Ўлим ҳолатлари мувофиқ ҳолда 4,2 ва 7,0 фоизни ташкил қилди. Қайд этиш керакки, қайталанувчи стенокардия ва ўлим ҳолатлари консерватив ноинвазив даволанишда бўлган беморлар орасида қайд этилди. Эрта инвазив ва кечиктирилган инвазив, реваскуляризацияни ўз ичига олган даволанишда бўлган беморлар орасида қайталанувчи стенокардия ва ўлим ҳолатлари қайд этилмади.

4-жадвалдан кўриниб турганидек, ST сегмент кўтарилишисиз ўКС гуруҳ беморларида(NSTEMI/ Q тишчасисиз ўМИ) ўЮЕ билан янада оғирлашган қайталанган ангиноз ҳужум ривожланишидан иборат бўлган салбий оқибатлар такрорланиш суръати Killip 2 кичик гуруҳининг 72 нафар (76,5%) беморида кузатилган, уларга бирламчи фақатгина медикаментоз даволаш ўтказилган, 22 нафар (23,4%) беморда юрак ритмининг турли бузилишлари кузатилган, улар орасида энг кўп юрак олд бўлмачаси фибриляцияси ва қоринчаларнингэкстрасистолалари кузатилган ($p<0,05$). Бунда қайталанувчи стенокардия инвазив усул қўлланилишида бирор бир ҳолатда ҳам кузатилмаган, лекин 1 беморда (11,1%) бирламчи-инвазив тактикадан кейин ва 9 нафар (10,5%) беморда кечиктирилган инвазив тактикадан кейин юрак ритмининг бузилиши кузатилган, шуни ҳам қайд этиш керакки, тож артерияларнинг шикастланиш субстратлари критик стенозлар ҳисобланади,

бунинг натижасида эса, ST сегмент кўтарилишисиз ўКС гуруҳ беморларини реваскуляризациялаш ҳолатида реперфузион синдроми қайд этилмайди.

4-жадвал

Killip 2 ўЮЕ билан оғирлашган ST сегмент кўтарилишисиз ўКС гуруҳ беморларини даволаш натижалари (n=188)

Беморларни даволашнинг салбий натижалари	Шифохонага келгандаги медикаментоз даволаш n=94	Инвазив стратегия n=94	
		Бирламчи-инвазив n=9 (9,5%)	Кечиктирилган (ТОКА+АКШ) n=85 (90,5%)
Қайталанган ангинал хуруж	72(76,5%)	-	-
Бундан ташқари аритмиялар:	22(23,4%)	1(11,1%)	9(10,5%)
-БФ	6(6,4%)	-	4(4,7%)
-ЭС	7(7,4%)	1(11,1%)	4(4,7%)
-АВ блокадалар	3(3,2%)	-	1(1,1%)
-ҚФ	5(5,3%)		
-ЭМД	1(1,06%)		
ўЮЕ ривожланиши	8(8,5%)	-	-
ўлим ҳолати	8(8,5%)	-	-
ўлим ҳолатларининг умумий сони		8 (4,2%)	

Фақатгина медикаментоз даволанишда бўлган Killip 2ST сегмент кўтарилишисиз ўКС гуруҳининг 94 нафар (50%) беморларидан 8 ҳолатида (8,5%) ўтказилаётган даволашга қарамай касалликнинг ривожланиши қайд этилди, бу барқарор ҚФ ва асистолияни ўз ичига олган ўткир юрак етишмовчилиги ва фатал аритмияларнинг оғирлашиши билан тавсифланди, бу эса охир-оқибатда ўлимга олиб келиб ушбу кичик гуруҳнинг 188 нафар (100%) беморидан 4,2 фоизини ташкил қилди.

Келтирилган 5-жадвалдан кўришиб турибтики, ўЮЕ билан оғирлашган Killip 3 ST сегмент кўтарилишисиз ўКС(NSTEMI/Q тишчасиз МўИ) гуруҳи беморларида стенокардия хуружининг қайта ривожланишидан иборат бўлган салбий натижалар частотаси медикаментоз даволанишда бўлган 18 нафар (69,2%) беморда кузатилди, бунда 8 нафар (30,8%) беморда юрак ритмининг турли бузилишлари кузатилди, улардан энг кенг тарқалгани қоринча экстрасистолиялари (3/9,6%) ва юрак олд бўлмачалари фибриляциялари (2/6, 45%) ($p < 0,05$) бўлган. Бунда қайталанувчи стенокардия ҳолатлари инвазив стратегия қўлланилганида бирорта ҳам ҳолатда кузатилмаган, 1 беморда (10%) бирламчи-инвазив тактикадан кейин ва 6 нафар (18,7%) беморда кечиктирилган инвазив тактикадан кейин миокард реперфузияси синдроми билан боғлиқ бўлган юрак ритми бузилишлари кузатилган.

**Killip 3 ЎЮЕ билан оғирлашаган ST сегмент кўтарилишисиз ЎКС
(NSTEMI/Q тишчасиз МЎИ) гуруҳ беморларини даволаш натижалари
(n=57)**

Беморларни даволашнинг салбий натижалари	Шифохонага келгандаги медикаментоз даволаш n=26 (45,6%)	Инвазив стратегия n=31 (54,4%)	
		Бирламчи-инвазив n=10 (32,3%)	Кечиктирилган (ТОКА+АКШ) n=21 (67,7%)
Қайталанган ангиноз хуруж	18(69,2%)	-	-
Бундан ташқари аритмиялар:	8(30,8%)	1(10%)	6(28,5%)
-БФ	2(7,6%)	1(10%)	3(9,6%)
-ЭС	3(11,5%)		2(6,4%)
-АВ блокадалар	2(7,6%)		1(3,2%)
-ҚФ	1(3,8%)		
-ЭМД	1(3,8%)		
ЎЮЕ ривожланиши	4(15,3%)	-	-
Ўлим ҳолати	4(15,3%)	-	-
Ўлим ҳолатларининг умумий сони		4 (7,0%)	

Killip 3 ЎЮЕ билан оғирлашаган ST сегмент кўтарилишисиз ЎКС гуруҳ беморларида фақатгина медикаментоз даволанишда бўлган 26 нафар (45,6%) бемордан 4 ҳолатда (15,3%), ўтказилган даволаш ишларига қарамасдан, касалликнинг ривожланиши қайд этилди, бу оғирлашишлар юрак етишмовчилигининг ва фатал аритмияларнинг оғирлашиши охир-оқибатда ўлим ҳолатларига олиб келиб, ушбу гуруҳ 57 нафар (100%) беморларидан 7,0 фоизни ташкил қилди.

Оғирлашаган ST сегмент кўтарилишли ЎКС гуруҳ Killip 2 120 нафар (83,3%) беморларида бирламчи ТЛТ ўтказилди (6-жадвал). Ўз самарасини кўрсатган ТЛТ 77 нафар беморда кузатилди, мувофиқ ҳолда даволаш самарадорлиги (64,1%) ташкил қилди. ТЛТ ўтказилиши ҳолатида 43 нафар (35,9%) беморда ангиноз оғриқлар сақланиб қолди, бундан ташқари ушбу гуруҳнинг 2 нафар (1,38%) беморида КАГ кўрсаткичларида ўзгаришлар қайд этилиб, уларнинг мавжудлиги ҳолатида стентлаш имконсиз эди (ЧТА стволи шикастланиши), шу сабабли 2 нафар (1,38%) беморга КАГ муолажасидан кейин ТЛТ ўтказилди. Killip3 оғирлашган ST сегмент кўтарилишли ЎКС гуруҳининг 45 нафар (73,7%) беморда бирламчи ТЛТ ўтказилди (3.12-жадвал, 3.4-расм). ТЛТ самарадорлиги 35 нафар беморда кузатилди, мувофиқ ҳолда даволаш самарадорлиги (77,7%) ташкил қилди. 10 нафар (22,3%)

беморда ТЛТ ўтказилиши ҳолатида ангиноз оғриқлар сақланиб қолган, бундан ташқари ушбу гуруҳнинг 6 нафар (9,8%) беморида КАГ кўрсаткичларида ўзгаришлар қайд этилди, ушбу ўзгаришлар ҳолатида стентлаш имконсиз бўлиб (ЧТА стволи шикастланиши), шу сабабли бу 6 нафар (9,8%) беморга КАГ муолажасидан кейин ТЛТ ўтказилди. Клиникада қабул қилинган тактикага биноан, клиникага ангиноз ҳуруж бошланганидан кейин 6 соат ичида олиб келинган Killip 2 кичик гуруҳининг 120 нафар (83,3%) беморига ва Killip 3 кичик гуруҳининг 45 нафар (73,8%) беморига стрептокиназ дори воситаси ёрдамида тромболитик даволаш ўтказилди. Killip 2 кичик гуруҳининг 77 нафар (64,2%) беморида ва Killip 3 кичик гуруҳининг 35 нафар (77,8%) беморида инфаркт-боғлиқ тож артерия ревазуляризацияси билан биргаликда кузатилган тромболитик даволашнинг ижобий таъсири қайд этилди. Оғриқ синдроми пайдо бўлганидан кейин 120 дақиқа мобайнида Killip 2 гуруҳининг 22 нафар (15,3%) бемори ва 6 нафар (9,8%) Killip 3 гуруҳи беморлари келиб тушган. Ушбу беморларга шошилиш тартибда бирламчи инфаркт-боғлиқ артерияни ревазуляризациялаш билан ТОКА бажарилди. Шу билан бирга бир вақтнинг ўзида 43 нафар (23,9%) Killip 2 кичик гуруҳ беморларида ва 10 нафар (16,4%) Killip 3 кичик гуруҳ беморларида ўтказилган тромболитик даволаш ҳолатида ревазуляризация қайд этилмади (ангиноз оғриқлар сақланиб қолган, ST сегменти изолинияга тушишсиз). Мувофиқ ҳолда 38 нафар (26,4%) ва 7 нафар (11,4%) беморга ТЛТ самара бермагани ҳолатида кейнчалик қутқарувчи ТОКА ўтказиш билан коронаграфия амалга оширилди. Killip 2 кичик гуруҳининг қолган 77 нафар (47,2%) беморига ва 39 нафар (63,9%) Killip 3 кичик гуруҳ беморига аҳволининг барқарорлашувидан кейин 2 кундан 6 кунгача бўлган муддатда ТОКА билан биргаликдаги кечиктирилган КАГ бажарилди.

